

the population and businesses is directly related to compliance with the inflation target discipline of the Central Bank.

➤ Gradual elimination of the methods of preferential lending (loans with interest rates lower than market interest rates) and directive lending (loans determined by local government bodies and state agencies), which have a negative impact on the competitive environment and cause inefficient distribution of financial resources. It is necessary to take steps to abandon the stage.

Literature

1.Decree No. PF-60 of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 “On the development strategy of the new Uzbekistan for 2022-2026”.

2.Петрова О.С. Экономическая безопасность банковской системы. «Экономика, право и управление». 2/2015 год стр.130.

3.The official reports of Data base The Central Bank of the Republic of Uzbekistan in 2023 - www.cbu.uz

“ЯШИЛ” СУКУК ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*Аминова Нилуфар Умарбай Қизи
ТДИУ, PhD.*

“Яшил” сукук шариат нормалариға мос келадиган, активларнинг муайян мажмуаси билан таъминланган, “яшил” инфратузилмани молиялаштиришга қаратилган ва қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқаришни, чиқиндиларни бошқаришни, барқарор қишлоқ хўжалигини яратишни, энергия тежайдиган бинолар қуришни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни қўллаб қувватловчи қимматли қоғозлар сифатида кўрилади. “Яшил” сукук капитал бозорларида илк пайдо бўлганидан бери хусусий ва давлат “яшил” ташаббусларини молиялаштиришда тобора муҳим роль ўйнади ва ҳозирда тобора қўпроқ мамлакатлар барқарор тараққиёт соҳасидаги ўзларининг жорий ва бўлажак саъй ҳаракатларини молиялаштириш воситаси сифатида уни ўз капитал бозорларида жорий қилмоқда. “Яшил” сукук бозорларини ривожлантириш қисқача айтганда қуйидаги мақсадларга қаратилган: қайта тикланувчи энергия манбалари, энергия самарадорлиги, барқарор уй жой қурилиши ва саноатнинг бошқа экологик тоза тармоқлари соҳасида БРМга эришишга ҳисса қўшишни таъминлаш; ислом молиясини инклузив ва ижтимоий масъулиятли молиялаштириш шакли сифатида гавдалантириш; ички капитал бозорларини ривожлантириш, институционал инвесторларни жалб қилиш ва инвесторларнинг янги базасидан фойдаланиш таъминлаш; ислом молияси шакллари ва экологик жавобгарлик ҳақида омма орасида хабардорликни ошириш.

“Яшил” сукук каби воситалар ёрдамида барқарор ривожланишни молиялаштиришни давом эттириш учун “яшил” стандартлар ва “яшил” активлар таснифига аниқлик киритиш талаб қилинади. “Яшил” облигациялар ва “яшил” сукук чиқарилиши “яшил” молиялаштиришнинг тегишли стандартларини таъминлашга қаратилган қатор глобал ташаббуслар билан бир вақтга тұғри келди. Мисоллар қуйидагиларни үз ичига олади: Иқлим облигациялари стандарты, Ҳалқаро капитал бозорлари ассоциацияси (ХКБА) томонидан белгиланған “Яшил” облигациялар тамойиллари, Малайзия Қимматли қоғозлар комиссияси томонидан белгиланған “Ижтимоий масъулиятли инвестициялар” (ИМИ) сукуки доираси ва Жанубий-Шарқий Осиё Мамлакатлари Ассоциацияси (ЖШОМА) капитал бозорини тартибга солувчилар форуми томонидан белгиланған ЖШОМА “Яшил” облигациялари стандартлари шулардандир. Барча бу ташаббуслар умумий мақсадға қаратилған: “яшил” лойиҳалар тұғри белгиланишини таъминлаш ва эмитентлар үз ваъдаларини бажаришига эришиш.

				
МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ Ушбу эмиссиядан тушған маблағлар фақат танлов мезонларига жавоб берадиган лойиҳалар билан бөлік фаялиятни молиялаштириш учун ишлатилишини таъминлайды	ЛОЙИҲАЛарНИ БАҲОЛАШ ВА ТАНЛАШ Танлов мезонларига жавоб берадиган лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш ички жараёнлари ҳақида асосий ахборотни тақдим этади	МАБЛАҒЛАРНИ БОШҚАРИШ Лойиҳаларга ажратилған маблағлар тегишли ҳисобвақыларга үтказилишини күзатиб боради ва назорат қиласы	ҲИСОБОТ Танлов мезонларига жавоб берадиган лойиҳаларнинг таъсири тұғрисида ҳисботни бир йилда камида бир марта беришни талаб қиласы	ТАШҚИ ШАРХ Мустақил ташқи баҳолаш орқали лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичларини холисона шархлаш имконини беради

Манба: Жаҳон банки (2019 йил)¹⁶

1-расм “Яшил” облигациялар/сукук доиравий асосининг муҳим компонентлари[2]

Одатда, “яшил” сукукнинг асоси түртта муҳим соҳани үз ичига олади: даромадлардан фойдаланиш, лойиҳаларни баҳолаш ва танлаш тартиб-тамойиллари, даромадларни бошқариш ва ҳисбот. Ушбу соҳаларда белгиланған тамойиллар “яшил” сукукни чиқаришда ошкоралик ва холислик даражасини оширишга күмаклашадиган ихтиёрий ва асосий күрсатмаларга асосланған. Ушбу тамойиллар “яшил” сукук чиқаришда иштирок этадиган барча манфаатдор томонларга татбиқ этилади: улар эмитентларга үз “яшил” сукукини чиқариш жараёнида йўл йўриқ күрсатади, инвесторларга үз инвестицияларининг атроф муҳитга таъсирини баҳолашга имкон берадива суғурта мутахассисларига бозорни

стандартлаштирилган, тахмин қилса бўладиганвоситаларга йўналтиришда ёрдам беради ва шу орқали молиявий ва бизнес битимларни тузища қўмаклашади[1]. Ташқи шарҳлар ва маслахатлар берилиши ҳам тавсия этилади. ҲҚБА томонидан қабул қилинган тамойиллар (1-расм).

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати “яшил” ва барқарор иқтисодиёт ўсишини тарғиб қилишга ўзининг содиқлигини маълум қилди ҳамда уларга ҳам қисқа, ҳам узоқ муддатда эришиш бўйича аниқ нуқтаи назари ва мақсадли кўрсаткичларини шакллантириди. Шунинг доирасида, 2020–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси мутаносиб ривожланишга қўмаклашишиб, барқарорлик ва “яшил” иқтисодиётга муносиб эътибор қаратиб, электр энергиясига ошиб бораётган талабни қондиришга ва ҳозирги электр энергияси тақчиллигини камайтиришга йўналтирилди. Шу билан бирга, Молия ва Иқсолиёт вазирлиги ва БМТ Тараққиёт Дастури хамкорлигига тайёрланган “Ўзбекистонда яшил сукукни жорий қилишнинг бирламчи техник-иктисодий асослари (2019)” [3] таҳлилий хисоботида Ўзбекистон Республикаси худудида, яшил сукукни жорий қилишдан келиб тушган маблағларни йўналтирилиши мумкин бўлган ва яшил иқсолиётга ўтишда муҳим аҳамият касб этадиган эга асосий икки соҳа(сектор)ни санаб ўтди. Улар Республика атмосферасига ажralадиган иссиқхона газларининг 94 фоизини ташкил қиласди[4]. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, қайта тикланувчи энергия манбалари ва оқилона сув тежовчи технологиялар қўлланиладиган қишлоқ хўжалигига қилинадиган инвестиция иссиқхона газлари ажратмаларини камайтиш эҳтимоли катта. Хисоботда таъкидланишича, сув хўжалиги ва уй жой қурилиш соҳалари ҳам иссиқхона газларининг ошишига (кам миқдорда бўлса ҳам) сабаб бўлмоқда.

Мамлакатлар қўшимча даромад шакллантириш, барча фуқароларнинг молиялаштиришдан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, шунингдек, бошқа минтақалардан инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида ислом молияси амалиётларини жорий қилмоқда. Сукук анъанавий фоизли облигацияларга инвестиция киритишни истамайдиган янги инвесторларни капитал бозорларига жалб қилиш учун умид бахш этадиган восита эканини исботлади. Айни вақтда “яшил” облигациялар бозори ижтимоий масъулиятли инвестиция киритиш ўсиши билан боғлиқ равишда сезиларли даражада ўсди, бунинг доирасида инвесторлар молиявий фойда олиш билан бирга ижобий таъсир кўрсатишни мақсад қиласди. “Яшил” облигациялар ва сукукнинг асосий тамойиллари мос келади, чунки иккала молиялаштириш механизми ҳам маълум бир мақсад учун маблағларни жалб қиласди ва иккаласи ҳам табиатан экологик, ахлоқий ва ижтимоий соҳаларга йўналтирилган. Исломий иқтисоднинг тамойиллари “атроф-муҳит ресурсларидан оқилона фойдаланиш”ни, масалан, ҳаво, сув ва бошқа экотизимларни муҳофаза қилишни ўз ичига олади. Диний жиҳатдан нозиктабиат бўлган инвесторлар ва экология, ижтимоий соҳа ва корпоратив бошқарув (ЭИКП) масалалари

ҳақида қайғуратидиган инвесторлар биргаликда “яшил” сукук бўйича кенг инвесторлар базасини ташкил қиласди. Тобора кўпроқ мамлакатлар иқлим ўзгариши масалалари соҳасидаги ўз мажбуриятларини қўллаб қувватловчи сиёсий чора-тадбирларга айлантиргани, рентабелли лойиҳалар сони ортиб боргани сайин “Яшил” сукук анъанавий молиялаштириш усулларининг кенг тарқалган муқобили сифатида ўз ўрнини эгаллаши кутилмоқда. Ўзбекистон ҳозирги вақтда “яшил” облигациялар бозорида ёки исломий капитал бозорларида иштирок этмаётганини ҳамда халқаро инвесторларни жалб қилишга ва ўзининг капитал бозорларини диверсификациялашга интилаётганини инобатга олсақ, “яшил” сукук чиқарилиши инвесторларнинг янги тоифаси билан ҳамкорлик қилишда ва хорижий ҳамда маҳаллий капитални йўналтиришни рафбатлантиришда ҳал қилувчи қадам бўлади. Илк “яшил” сукук чиқарилиши мамлакатнинг содиқлигини ва глобал ислом молияси бозорида, шунингдек “яшил” облигациялар бозорида иштирокини кўрсатиб, бозорга кучли туртки беради. Суверен “яшил” сукук чиқарилиши ҳукуматнинг ушбу соҳага эътибор қаратишини ва уни қўллаб-қувватлашини яққол намойиш қиласди, инвесторларни “яшил” инвестиция киритиш стратегияси доирасида капитални қўйишга рафбатлантириш учун салмоқли миқдорда ликвид активлар борлигини таъминлайди, шунингдек, корпоратив эмитентлар учун бозорга йўл очади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ҲҚБА (2018 йил). “Яшил” облигациялар тамойиллари – “Яшил” облигацияларни чиқариш жараёни учун ихтиёрий асосий кўрсатмалар.
2. Жаҳон банки (2019 йил). Исломий “яшил” молиялаштириш – Ривожланиш, экотизим ва истиқболлар
3. Ўзбекистонда яшил сукукни жорий қилишнинг бирламчи техникиктиносидий асослари (2019) <https://www.undp.org/policy-centre/istanbul/publications/pre-feasibility-study-green-sukuk-issuance-republic-uzbekistan>
4. “Ўзбекистон иссиқхона газлари чиқаришни камайтириш мажбуриятларини орттириди” (<https://www.gazeta.uz/uz/2021/11/04/climate-change/>)

ЎЗБЕКИСТОН- 2030 СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА БАНКЛАРНИНГ ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Азларова Азиза Ахроровна
ТДИУ “Банк иши” кафедраси профессори
и.ф.н., проф.*

Мамлакатимизда фаолият юритаётган банкларнинг оммабоплиги ва рақобатбардошлигини оширишга “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам тегишли устувор мақсад ва вазифалар белгиланган. Хусусан, биринчи